

## Дунёдан ўзингни тийгин

03:05 / 30.07.2018 3904

Абул Аббос Саҳл ибн Саъд ас-Соъидий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг расули, мени бир амалга йўналтириб қўйингки, ўшанга амал қилсам, Аллоҳ ҳамда кишилар мени яхши кўрсин», деганида, у зот: «**Дунёдан ўзингни тийгин, Аллоҳ сени яхши кўради. Одамлар қўлидаги нарсадан ўзингни тийгин, одамлар сени яхши кўришади**», дедилар.

Ҳасан ҳадис бўлиб, Ибн Можа ва бошқалар ҳасан иснод билан ривоят қилишган.